

63.3(0)

С 26

Т.Ў. Салимов

ЖАҲОН ТАРИХИ



63.3(0)
С26


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий Университети

Салимов Т.Ў.

Жаҳон тарихи

(Европа мамлакатлари V - XV асрларда)

Тошкент
“Университет”
2014



УДК 9(4/9). (075,8)

63.3(0)

С 26

Салимов Т. Жаҳон тарихи (Европа мамлакатлари. V-XV асрларда).
Тошкент: «Университет», 2014. 296 б.

КБК. 63. 3(0)

Мазкур дарслик республикамызда фаолият кўрсатаётган барча олий ўқув юртлиари бакалавр-тарихчилари томонидан жаҳон тарихини ўрганиш учун мўлжалланган. Дарслик икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисми Европа мамлакатларининг V-XV асрлардаги тарихига бағишланган.

Такризчилар: **Мавлонов Ў.М. т.ф.д., профессор.**
Ғатибоев А.С. т.ф.н., доцент.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 мартдаги 107-сонли буйруғига асосан дарслик сифатида тавсия этилган.

Салимов Турсун Ўсарович

Жаҳон тарихи (Европа мамлакатлари V - XV асрларда) (Дарслик)

Мухаррирлар: Д.Акмалова, С.Қурбонов

Босишга рухсат этилди 23.06.2014 й. Бичими 60x84 1/16.
Офсет босма усулида босилди. Нашриёт босма табағи 21.3.
Шартли босма табағи 31,0.
Баҳоси шартнома асосида. Адади 200 нусха. Буюртма № 92.

“Университет” нашриёти. Тошкент-100174,
Талабалар шаҳарчаси. Мирзс Улуғбек номидаги ЎзМУнинг
маъмурий биноси.

ЎзМУ босмахонасида босилди.

ISBN-978-99-43-305-97-7

КИРИШ

Ўрта асрлар воқеаларга бой катта тарихий давр – V-XV асрларни ўз ичига олади. Жаҳон тарихининг ушбу даври хронологик чегараларида Европа, Осиё, Африка ва Америка мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётининг нотекис ривожланиши кузатилади. Европанинг аксари мамлакатларида илк ўрта асрлар даври XI аср ўрталарига қадар давом этса, Византияда XII асрга қадар бўлган. Хитойда ер эгаллигига асосланган жамиятга ўтиш III асрда, Ҳиндистонда IV асрда, Ғарбий Европада V асрда бошланади. Ўрта асрларнинг ривожланган даври IX асрга (Араб ҳалифалиги, Ўрта Осиёдаги Сомониёлар давлатлари) тўғри келса, Европада XI асрнинг ўрталаридан бошланади. Дарсликнинг ҳажми имконият бермаслиги ва университетлар ўқув дастурларида Европа тарихи алоҳида ўтилиши кўзда тутилганлиги мазкур китобда фақат шу қитъанинг V-XV асрлардаги ўтмишини ёритишимизга асос бўлди.

Унда тарихшуносликдаги янги қарашлар, ўрта асрлар тарихини (медиевистика) тадқиқ этишдаги сўнги ютуқлар мужассамлашган. Шунингдек, тарихий жараёнларга цивилизация ёндашув билан биргаликда, формация назарияси ютуқлари ҳам инкор этилмаган. Муаллиф ҳар иккала ёндашувнинг ижобий ва салбий жиҳатларини танқидий таҳлил этишга интилди. Ўрта асрлардаги барча воқеаларни биргина дарсликда баён этиш мушкул. Шунинг учун биз ўрта асрлар жамиятининг муҳим жараёнлари ва тараққиёти қонуниятларини айрим мамлакатлар тарихини ёритиш орқали кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Дарсликни тайёрлашда Европанинг Филипп де Коммин, Фернан Бродель, Франко Кардини каби тарихчи олимларидан ташқари Россиянинг таниқли медиевистлари П.Г. Виноградов, Д.М. Петрушевский, Е.А. Косминский, С.Д. Сказкин ва бошқаларнинг асарлари, дарсликлари ҳамда хрестоматиялардан кенг фойдаланилди.

БИРИНЧИ ҚИСМ. ЕВРОПА ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА

I БОБ. “ЎРТА АСРЛАР” ВА “ФЕОДАЛИЗМ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА МОҲИЯТИ

Хозирги Европа халқлари ва мамлакатлари аксари кўпчилигининг тарихи адабиётларда шартли равишда “ўрта асрлар” деб номланган даврдан бошланади. “Европа” атамаси антик даврда пайдо бўлиб, семит тилида “Эреб” – Ғарб деган географик тушунчани англатса, Осиё (“Асу” сўзи негизидан) Шарқни англатган. Амалда Европа атамаси маълум халқлар ва мамлакатларининг худудий яхлитлигини ўзида мужассамлаб, уларнинг тарихида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий умумийлик, бирлик мавжуд эканлигини ифода этади. Айни пайтда, китъа ғарбий қисмининг ўзига хослиги ўрта асрлардаёқ сезиларли тус олиб, Ғарбий Европани локал цивилизация, яъни Европа цивилизациясининг бир қисми сифатида шаклланишига олиб келди. Ўша даврда Ғарбий Европа тушунчасининг географик мазмуни, унинг тарихи билан боғлиқ бўлмасдан, Евроосиё китъасининг бир қисми – майин иқлимли ғарбий денгиз соҳилини англатган, халос.

Ғарбий Европа тарихий худуди. Ўрта асрларда Ғарбий Европа тарихий минтақаси таркибига Англия, Франция, Германия, Испания, Скандинавия мамлакатлари ва Византия империяси, ғарбий, жанубий ва шарқий славянлар давлатлари – Польша, Чехия, Болгария, Киев Руси ҳам кирган.

“Ўрта асрлар” ва “феодализм” атамалари ҳақида. Европада тарихшуносликнинг юксалиши давомида ушбу атамалар мазмун-моҳияти ўзгариб боради. Ўрта асрлар латинчадан “medium aevum” (ўрта аср) тарзида илк бор илмий адабиётларга Италия гуманистлари томонидан киритилган. XV асрда яшаган тарихчи Флавио Бионьдо ўзининг “Рим империясининг қулашидан буёнги тарихи” асарида 410-1410 йилларни “ўрта аср” деб номлаб, уни гуманистларнинг илҳом манбаи бўлган антик даврдан ажратган. Гуманистлар наздида, ўрта асрлар антик маданиятнинг ёввойилашган, варварлашган даври туюлган ва тарихга бу хилда ёндашув кейинги асрларда ҳам сақланиб қолади.

Германиядаги Галл университети профессори Й. Келлер жаҳон тарихини антик давр, ўрта асрлар ва янги даврга бўлади. Унинг фикрича, ўрта асрлар Рим империясининг 395 йилда бўлинишидан то 1453 йилда турклар томонидан Константинополни эгаллаганига қадар давом этади.

XVII-XVIII асрларда рационал фикрлаш ва табиий фанларнинг ривожланиши таъсири остида жаҳон тарихини даврлаштиришга қарашар ҳам ўзгариб, маданият тараққиёти дин ва черковга нисбатан муносабатдан муҳимроқ қўрсаткичга айланади. Ўрта асрлар тарихидаги салбий омиллар – виждон эркинлиги бўлмаганлиги, диний акидапарастликнинг